# ЎҚУВ РЕЖАЛАРИ

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 1994 йил 19 майдаги 120-буйруғига биноан ўрта умумтаълим мактаблари учун 1994—1995 ўқув йили режалари тасдиқланди*

Умумтаълим мактабларининг 1—6 синфлари учун 1994—95 ўқув йилига намунавий (таянч)

## ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Ўқитиладиган фанлар | Синфлар бўйича ҳафталик соатлар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| **I. Давлат ихтиёридаги (компоненти) соатлар** | 18 | 23 | 25 | 25 | 30 | 31 |
| Она тили ва адабиёт | 8 | 10 | 10 | 10 | 9 | 8 |
| Математика | 4 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| Эски ўзбек ёзуви | | | 1 | 1 | | |
| Тарих | | | | | 2 | 2 |
| Табиёт | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | |
| География | | | | | | 2 |
| Биология | | | | | | 2 |
| Хорижий тил (рус тили) | | 2 | 3 | 3 | 3 | 3 |
| Хорижий тиллар | | | | | 3 | 3 |
| Мусиқа | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Тасвирий санъат | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Меҳнат | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 |
| Жисмоний тарбия | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **II. Мактаб ихтиёрига (компоненти) берилган соатлар** | 2 | 2 | 3 | 3 | 4 | 4 |
| Соғломлаштириш дарслари, фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишга кўра ижодий камолотини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар, табиатни асраш ва экологик билим асослари<br>Иқтисодий билим асослари | | | | | | |
| Умумий соатлар | 20 | 25 | 28 | 28 | 34 | 35 |
| Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида) | | | | | 6 | 6 |

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун

## ЎҚУВ РЕЖАСИ(1-тур асосий)

| Ўқитиладиган фанлар | Синфлар бўйича ҳафталик соатлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| **I. Давлат ихтиёридаги (компоненти) соатлар** | 33 | 34,5 | 34 | 33,5 | 34 |
| Она тили ва адабиёт | 6 | 5 | 5 | 5 | 4 |
| Математика | 5 | 5 | 5 | 4 | 4 |
| Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | | 1 | 1 | 2 | 2 |
| Ўзбекистон халқлари тарихи | 1 | 2/1 | 1/2 | 1/2 | 1 |
| Умумий тарих | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 |
| Давлат ҳуқуқи асослари | | | 1 | | |
| Инсон ва жамият | | | | | 2 |
| Одобнома | | | | 1 | |
| География | 3 | 2 | 2 | 2/1 | |
| Биология | 2 | 2 | 2 | 1 | 1/2 |
| Физика, астрономия | 2 | 2 | 3 | 4/3 | 5 |
| Химия | | 3 | 3/2 | 2 | 3/2 |
| Чизмачилик | 1 | 1 | | | |
| Хорижий тил (рус тили) | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 |
| Хорижий тиллар | 3 | 3 | 2 | 2 | 2 |
| Тасвирий санъат | 1 | | | | |
| Мусиқа | 1 | 1 | | | |
| Жисмоний тарбия | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Чақириққача ёшларни тайёрлаш | | | | 2 | 2 |
| Меҳнат таълими | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **II. Мактаб ихтиёрига (компоненти)берилган соатлар** | 4 | 4 | 4 | 6 | 6 |
| Соғломлаштириш дарслари<br>Эски ўзбек ёзуви<br>Фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишга кўра, ижодий камолотини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар<br>Табиатни асраш ва экологик билим асослари<br>Иқтисодий билим асослари | | | | | |
| Умумий соатлар | 37 | 38,5 | 38 | 39,5 | 40 |
| Амалий машғулотлари (кун ҳисобида) | 10 | 16 | | 20 | |

**Эслатма:** 1—6-синфлар намунавий таянч ўқув режаси асосида ўқитилади.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун

## ЎҚУВ РЕЖАСИ (2-тур)

| Ўқитиладиган фанлар | Синфлар бўйича ҳафталик соатлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| **I. Давлат ихтиёридаги (компонент) соатлар** | 33 | 34,5 | 33,5 | 34 | 34 |
| Она тили ва адабиёт | 6 | 5 | 5 | 5 | 4 |
| Математика | 5 | 5 | 5 | 4 | 4 |
| Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | | 1 | 1 | 1 | 2 |
| Ўзбекистон тарихи | 1 | 2/1 | 1/2 | 1/2 | 1 |
| Умумий тарих | 1 | 1 | 2 | 3 | 2/3 |
| Давлат ҳуқуқи асослари | | | 1 | | |
| Инсон ва жамият | | | | | 2 |
| Одобнома | | | | 1 | |
| География | 3 | 2 | 2 | 2/1 | |
| Биология | 2 | 2 | 2 | 2 | 1/2 |
| Физика, астрономия | 2 | 2 | 3 | 3 | 5 |
| Химия | | 3 | 2 | 2 | 2 |
| Чизмачилик | 1 | 1 | | | |
| Хорижий тил (рус тили) | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 |
| Хорижий тиллар | 3 | 3 | 2 | 2 | 2 |
| Тасвирий санъат | 1 | | | | |
| Мусиқа | 1 | 1 | | | |
| Жисмоний тарбия | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Чақириққача ёшларни тайёрлаш | | | | 2 | 2 |
| Меҳнат таълими | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **II. Мактаб ихтиёрига (компоненти) берилган соатлар** | 4 | 4 | 4 | 6 | 6 |
| Соғломлаштириш дарслари<br>Фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишга кўра ижомий камолотини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар<br>Табиатни асраш ва экологик билимлар асоси<br>Иқтисодий билим асослари<br>Эски ўзбек ёзуви | | | | | |
| Умумий соатлар | 37 | 38,5 | 37,5 | 40 | 40 |
| Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида) | 10 | 16 | | 20 | |

**Эслатма:** 1—6-синфлар намунавий таянч ўқув режаси асосида ўқитилади.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун (тажриба синов)

## ЎҚУВ РЕЖАСИ (3-тур)

| Ўқитиладиган фанлар | Синфлар бўйича ҳафталик соатлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| **I. Давлат ихтиёридаги (компоненти) соатлар** | 27 | 28,5 | 30,5 | 29 | 28 |
| Она тили ва адабиёт | 6 | 5 | 5 | 5 | 4 |
| Математика | 5 | 5 | 5 | 4 | 4 |
| Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | | 1 | 1 | 1 | 2 |
| Ўзбекистон халқлари тарихи | 1 | 2/1 | 1/2 | 1/2 | |
| Умумий тарих | 1 | 1 | 2 | 3 | 2 |
| Давлат ҳуқуқи асослари | | | 1 | | |
| Инсон ва жамият | | | | | 2 |
| Одобнома | | | | 1 | |
| География | 3 | 2 | 2 | 2/1 | |
| Биология | 2 | 2 | 2 | 2 | 1 |
| Физика, астрономия | 2 | 2 | 3 | 3 | 5 |
| Химия | | 3 | 2 | 2 | 2 |
| Чизмачилик | 1 | 1 | | | |
| Тасвирий санъат | 1 | | | | |
| Мусиқа | 1 | 1 | | | |
| Жисмоний тарбия | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Чақириққача ёшларни тайёрлаш | | | 2 | 1 | 1 |
| Меҳнат таълими | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **II. Мактаб ихтиёрига (компоненти) берилган соатлар** | 7 | 7 | 7 | 9 | 9 |
| Фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишга кўра ижодий камолотини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар<br>Хорижий тил (рус тили)<br>Хорижий тиллар<br>Табиатни асраш ва экологик билим асослари<br>Иқтисодий билим асослари<br>Эски ўзбек ёзуви | | | | | |
| Умумий соатлар | 34 | 35,5 | 37,5 | 38 | 37 |
| Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида) | 10 | 16 | | 20 | |

**Эслатма:** 1—6-синфлар намунавий таянч ўқув режаси асосида ўқитилади.

# ЭСЛАТМА

1. 1994-95 ўқув йили учун ўзбек тилида ўқитиладиган умумтаълим мактаблари ўқув режасининг (1-12) турлари ўзгарувчандир.

2. Таянч ўқув режасидаги сингари 12 турдаги ўқув режада ҳам давлат ихтиёридаги мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда мактаб ихтиёрига бериладиган фанларга эътибор кучайтирилди.

3. Мактаб ихтиёрига берилган соатлар асосий мазмунини соғломлаштириш дарслари, эски ўзбек ёзуви, фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишига кўра ижодий камолотини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар, табиатни асраш, экологик, иқтисодий билим асослари ташкил қилади.

Мактаб ихтиёрига берилган соатларни ўтишда республика ўқув-методика маркази томонидан тавсия этилган дастур ва қўлланмалар, ҳамкорликда яратилган мустақил дастур ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади. (Изоҳ: мактаб ихтиёрига берилган фанлар бўйича тайёрланган дастур ва қўлланмалар РЎММ илмий-методик кенгаши тасдиғидан ўтгандан сўнг фойдаланишга рухсат этилади).

4. Мактаб (педагогика) кенгаши ўқув режасининг барча турларидаги айрим фанлар бўйича соатлар миқдорини 1-3 соат, лекин 3 соатдан ошмаган ҳолда ўзгартириши мумкин. Демак, айрим фанлар бўйича соатларни камайтириш ҳисобига бошқа фанлар соатларини ошириш ёки ўқув режасида кўрсатилмаган фанларни киритиш мумкин. Бунинг учун етарли шароит бўлиши ва мактаб шу фан бўйича дастур асосида машғулотларни ўтказишга кафолат бериши керак. Лекин ҳар бир синфда жами соатлар ҳажми ўқув режада кўрсатилган миқдордан ошмаслиги лозим.

5. 5—8-синфларда йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш учун ҳар бир синфга йилига 17 соат ажратилади. Машғулотлар дарсдан ташқари пайтда ўтказилади.

Машғулот олиб борган ўқитувчига иш ҳақи мактаб ихтиёрига ажратилган соатлар умумий миқдори ҳисобидан тўланади.

6. а) Фуқаро мудофааси машғулотларини ўтказиш: фуқаро мудофааси машғулотлари 3-синф ўқувчилари учун иккинчи ярим йилликдан бошлаб ойига икки мартадан олиб борилади (40 минутдан 6 дарс). Машғулот жисмоний тарбия фани ҳисобига бўлиб, уни жисмоний тарбия ўқитувчиси ўтказади;

— 6-синф ўқувчилари учун иккинчи ярим йилликда, 7-синф ўқувчилари учун биринчи ярим йилликда 8 соатдан мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобига ўтказилади;

3, 6 ва 7-синфлардаги барча машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилади:

б) 3, 6 ва 7-синф ўқувчиларининг фуқаро мудофааси бўйича олган кўникмаларини 4, 7, 8-синфларда мустаҳкамлаш машғулотлари 15-20 минутдан дарсдан ташқари вақтларда ўтказилади (5-6-машқ);

в) тиббиёт асосларига оид машғулотларни 10, 11-синф қизлари билан мактабнинг тиббиёт ходимлари ёки алоҳида ажратилган тиббиёт ходими, биология ўқитувчилари ҳамда тиббий ҳамширалик дастури бўйича билими бўлган кишилар ўтказадилар.

7. Чақириққача ёшларни тайёрлаш учун барча турдаги ўқув юртларида 140 ўқув соати ажратилади.

Фуқаро мудофааси ҳамда тиббиётга оид машғулотлар 10-11-синф ўқувчи қизлари учун 35 соатдан, жами 70 соат миқдорида белгиланади.

Фуқаро мудофааси машғулотларининг 27 соати ўғил ва қиз болалар билан бирга ўтилса, тиббиётга оид машғулотларнинг 8 соати ўғил ва қиз болалар учун алоҳида ажратилган ҳолда ўтилади.

Умумтаълим мактабларида ва бошқа турдаги мактабларда чақириққача ёшларни тайёрлаш машғулотлари 10 ва 11-синфларда ҳафтасига 2 соатдан ўтказилади.

Мактаб базасида ўқиш тамом бўлиш арафасида ёшлар учун 3 кунлик дала машғулоти (ўқув машғулотлари соати ҳисобига) ўтказилади.

8. Чақириққача ёшларни тайёрлаш бўйича соатлари камайган турни танлаган мактаблар мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобига дастурдаги дарсларни ўтишлари мумкин.

8. 1. Ўқув режанинг 3 турида 9-синфларга тажриба тариқасида чақириққача ёшларни тарбиялаш соатлари қўйилди.

9. Малакали ўқитувчилар ва зарур биноларга эга бўлган умумтаълим мактабларида меҳнат таълими, жисмоний тарбия, хорижий тиллар, информатика ва электрон-ҳисоблаш техникаси асослари бўйича машғулотлар ўтказиш чоғида синфлар қуйидаги тартибда икки гуруҳга бўлиб ўқитилади:

— агар шаҳар мактабларининг 5-9-синфларида ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактаби синфларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг 10-11-синфларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, меҳнат машғулотлари ҳамда ихтисослик (тармоқ) дарсларига берилган машғулотларни ўқитишда (фақат меҳнат бўйича амалий машғулотлар 8-9-синфларда 1 соат, 10-11-синфларда 2 соат);

— 10-11-синфларда ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда жисмоний тарбия дарсларини ўқитишда (ҳар бир гуруҳда йигит ва қизлар 8 тадан кам бўлмаса);

— 1-9-синфларда ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ, 10-11-синфларда 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда хорижий тил дарсларни ўқитишда;

— электрон-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган ўқув хоналарига эга бўлган шаҳар мактабларининг 8-11-синфларда ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ бўлса, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда информатика ва ХТ асослари дарсларини ўқитишда.

10. Ўқув режасининг 1-тури асосий бўлиб, бу режа қолган турларга ҳам асос қилиб олинган.

11. Ўқув режасининг 2-турида умумий тарих фанига 10-11-синфларга кўпроқ соат ажратилган.

12. 3-тур ўқув режаси тажриба тариқасида берилмоқда. Унда хорижий тилларни ўқитиш мактаб ихтиёрига берилган. Бу ўқув режага асосан, чақириққача ёшларни тайёрлаш 9-синфдан бошлаб ўқитилади.

13. Бошланғич синфдан бошлаб хорижий тил ўқитиладиган мактаблар эса 4-тур ўқув режасидан фойдаланадилар. Хорижий тилларни ўрганиш 2-синфдан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилади.

14. Мактаб кенгашининг қарорига асосан умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларида мавжуд синфлар билан биргаликда ихтисос таълими синфлари ҳам очилиши мумкин (5, 6, 7, 8-турлар). Бу ўқув режаларида умумтаълим фанлари ихчамлаштирилиб, йўналишларга доир фанларни чуқур ўрганиш назарда тутилади. Бу ўқув режалари намунавий бўлиб, мактаб (педагогик) кенгашининг қарори билан айрим фанларга ўзгартириш киритиши мумкин. Лекин ҳар бир синфда ўқув соатлари ҳажми режада кўрсатилгандан ошмаслиги керак.

15. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи қрим татар, грек, корейс, немис, татар (Қозон), уйғур, курд, яҳудий, испан ва бошқа ўз она тилисини ўрганаётган миллатларнинг ўзбек мактабларда ўқиётган ўқувчилари учун 9, 10-турларидан фойдаланиш мўлжалланди. Ўз она тилисини ўрганиш учун дастур ўқитувчилар томонидан тайёрланади, мактаб метод бирлашмаси ва директор тасдиғидан ўтказилади.

Ўқув режанинг 9-10-турларидаги у ёки бу фанларнинг ўқув дастури бўйича тахминий тавсиянома Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-методика маркази ва барча вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари томонидан ишлаб чиқилади.

16. Ўқув режасининг 11-тури маълум шароит ва имконияти бор умумтаълим мактабларида 5 кунлик ўқув ҳафтасига ўтишни тавсия этади.

17. Ўқув режасининг 12-турида "Хорижий тил (рус тили)" ва "Хорижий тиллар" ихчамлаштирилиб, хорижий тиллар (рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тиллар) шаклида берилмоқда. Бунда ўқувчиларнинг истагига кўра хорижий тиллардан бирини ёки бир нечасини ўрганиш мумкин.

18. Қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида ўқитиладиган умумтаълим мактабларида мактаб компоненти ҳисобидан 1-синфдан бошлаб ҳафтасига 2 соат ўзбек (давлат) тилини ўрганиш тавсия этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 14 мартдаги 130-рақамли қарорига асосан 10—11-синфларда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобига ҳуқуқшунослик фани киритилган.

20. Ўқув режасининг қайси турини танлаб олиш мактаб (педагогика) кенгаши томонидан ҳал қилинади.

21. Амалий меҳнат машғулотларини ҳисобга олмаганда ўқув йили муддати 34 ҳафтадан иборат.

Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги — 8 кун, қишки — 12 кун, баҳорги 10 кун қилиб белгиланган.

22. Амалий меҳнат машғулотларини ўтказиш тартиби ва муддати маҳаллий шароитларга кўра педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

23. 5-7-синфларда амалий меҳнат машғулотлари кунига 3 соатдан, 8-синфда 4 соатдан, 10-синфда 6 соатдан ўтказилади.

ЭСЛАТМА: 4, 5, 6 7, 8-тур ўқув режаси билан юқори малакали мутахассислар билан таъминланган, ўқув-моддий базаси етарли бўлган мактабларгина ишлашлари мумкин.

**РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ.**

*Хотира*

# ЯХШИЛАРДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛАР



"Ўқитувчи" ўқув-педагогика нашриётини оёққа турғазиш, уни халқимизга зиё тарқатувчи манбага айлантиришда кўплаб заҳматкаш олим, ношир, ижодкор-журналистларнинг муносиб ҳиссалари бор.

60-йилларда нашриёт ёш, ўқимишли, иқтидорли мутахассислар билан тўлдирилди. Улар бир неча тилни мукаммал билиши, замонавий фанлардан яхши хабардорлиги билан ажралиб турар, ноширлик ўқувини эгаллаш йўлида катта ғайрат-шижоат-ла ишлардилар. Айнан шу йилларда ўқув-педагогика нашриёти олий мактаб дарслик ва қўлланмаларини нашр этишни ҳам ўз зиммасига олиб, "Ўрта ва олий мактаб" нашриёти деб номланди. 1959 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини туғаллаган Зокирхон Мирзаев ўз меҳнат фаолиятини ана шу нашриётнинг кичик муҳаррирлигидан бошлади.

Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, ўз устида изланиши туфайли кейинчалик: муҳаррир бўлди, катта муҳаррирликка кўтарилди, янги ташкил этилган иқтисод ва режалаштириш бўлимига мудир қилиб тайинланди. 1974 йилдан то умрининг охиригача эса нашриёт бош муҳаррири лавозимида ишлади. Ўтган йиллар давомида у журналистика, таржимонлик, таҳрир иши ва таҳририят ташкилий масалаларида алоҳида салоҳияти борлигини намойиш қилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда турли фанлардан муаллифлар танлашда, халқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқшунослик, фалсафа, педагогика, химия-биология, физика-математика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллари фанларидан олий таълим мактаблари учун дарслик ва қўлланмалар яратиб, нашр қилдиришда унинг ташкилотчилиги, тадбиркорлиги, ижодкорлиги яна бир бор намоён бўлди. Ўзига топширилган масъул вазифани ҳалол ва пок ижро этганлиги туфайли муаллифлар ва жамоа ходимлари ўртасида катта обрў орттирди. Ўша йилларда республикамизнинг бирор олий ва ўрта махсус ўқув юрти қолмадики, "Ўқитувчи" нашриётида китоб чоп эттирмаган, бош муҳаррир Зокирхон Мирзаев билан мулоқотда бўлмаган бўлсин.

Маълумки, у вақтларда таълим тизими Москвада режалаштирилиб, махсус дастур ва тавсиялар асосида яратилган рус тилидаги дарсликлар ўзбек тилига таржима қилинарди. Бу борада Зокирхон Мирзаев намуна кўрсатди. Ҳуқуқ, иқтисод, фалсафа, тарих, жуғрофия каби мураккаб соҳаларга бағишланган ўнлаб йирик дарсликларни маҳорат билан таржима қилиб, чоп эттирди. Айни чоғда энг қобилиятли педагог-олимларни тўплаб, ўзбек тилида маҳаллий шароит ва халқимиз табиатига мос миллий дарслик-қўлланмалар яратиш ишини ташкил этди. Бу йўлда Ўзбекистоннинг энг йирик, нуфузли ўқув юртларидаги билимдон, тажрибали ва салоҳиятли педагоглар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Шу тахлит олий мактаблар учун ўнлаб пишиқ-пухта миллий дарсликлар яратилди. Уч жилддан иборат "Ўзбек адабиёти тарихи", "Адабиёт назарияси", "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Ўзбекистон тарихи", "Ўзбекистон табиий жуғрофияси", "Органик химия", "Ўзбек адабиёти" каби дарсликлар шулар жумласидандир. Ўша йилларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун турли фан соҳаларидан дарсликлар яратиш ишида нафақат республикамиз марказидаги, балки вилоятлардаги педагог олимлар ҳам кенг жалб этилдики, бу соҳада ҳам Зокирхон Мирзаевнинг ташкилотчи раҳбар, хайрихоҳ ношир сифатида беқиёс катта ҳиссаси бор.

Зокирхон Мирзаев ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди. Афсус, 1988 йили оламдан ўтди. У ғоят хокисор ва камтар инсон, содиқ ва самимий дўст, болажон, меҳрибон ота, меҳрли ва саховатли оила бошлиғи ҳам эди. У кишидан бугун жамиятимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган олти нафар фарзанд қолган. Ноширлик, таржимонлик, олимликда элга танилган Тўлқин Жўраев, Холмирза Ҳайитметов, Дониёр Бегимқулов, Суннат Аҳмедов, Мирали Пўлатов, Мангуберди Саъдуллаев, Сайдулла Ҳусниддинов шогирдлари ҳисобланиб, унинг муборак номи билан фахрланишади.

Зокирхон Мирзаевнинг ўзига ўхшаш содда, камтарин бир орзуси бор эди. "60 га тўлсам — ўша куниёқ нафақага чиқиб кетаман. Соқолимни оппоқ қилиб кўкрагимгача қўйвораман. Оқ яктагу оқ лозим кийволиб, боғ ҳовлида меҳмон кутаман. Невараларимни ўйнатиб, қолган умримни оиламга бағишлайман",— дегувчи эди. Аммо у узоқ йиллар кутган орзусига эриша олмади, афсус...

Халқимизда "Яхшилик қил — дарёга от, билса балиқ, билмаса холиқ"— деган нақл бор. Зокирхон Мирзаевнинг ўзбек маърифатчилиги олдидаги улкан хизматларини унинг олижаноб инсоний фазилатларини жумҳуриятимизнинг кўпчилик зиёлилари яхши билишади. Шу сабабдан ҳам Зокирхон Мирзаев одамлар қалбида ўзи орзу қилган қиёфада яшаб келаяпти.

**Наримон ҲОТАМОВ.**
**Маҳмуд САТТОРОВ.**











Ҳар йили май ойининг охирида мамлакатимиз пойтахти марказидаги Сайлгоҳ кўчасида бир неча кун давомида ҳамманинг эътиборини тортадиган ярмарка ўтказилиши яхши анъана бўлиб қолди. Бу йил 27—28 май кунлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув юртлари ўқув устахоналарида тайёрланган моллар ва буюмларнинг V республика ярмаркаси худди шу ерда бўлиб ўтди.

Ярмаркада республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри вакиллари ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар. Павильонларда 5 та республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази ва 2 та ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Савдога 2 мингдан ортиқ номдаги қиймати 2,5 миллиард сўм-купондан зиёд маҳсулотлар қўйилди. Айниқса, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятидан савдога катта ҳажмдаги моллар олиб келинди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, дастлабки ярмаркаларда Қорақалпоғистон, Навоий, Сурхондарёдан келтирилган маҳсулотлар миқдори, сифати ва ранг-баранглигига кўра Тошкент шаҳри ва вилоят Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан орқада қолган бўлса, бу сафар улар бемалол рақобат қила олишди.

Қорақалпоғистон Республикаси ўқув юртлари ўтган йилларда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу уларнинг ярмаркага олиб келган жун ва тикув буюмлари, гиламлар ва поёндозлар, ёғочдан ва металдан ишланган асбоб-ускуналари кўплигидан ҳам маълум бўлди. Маҳсулотларнинг ташқи кўриниши ҳам, павильонларни безатилиши ҳам кўзни қувонтиради.

Навоий вилояти эса бу йил тошдан, металдан, ёғочдан ишланган жуда хилма-хил буюмларни ярмаркага қўйди. Анъанага кўра андижонликлар ўймакорлик, бухороликлар зардўзлик, хиваликлар гиламдўзлик, фарғоналиклар сопол буюмлари ва атлас матолари, наманганликлар Чуст пичоқлари, сурхондарёликлар сопол буюмларини кенг намойиш этдилар.

Республика билим юртларида таҳсил кўраётган талабалар тайёрлаган маҳсулотлар сифати, бўлғуси ҳунар эгаларининг бу даргоҳларда олаётган билими ва ўрганаётган ҳунарлари барчани мафтун этганлиги сир эмас.

Ярмарка очилишида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Олий Кенгаши ҳамда вазирликларнинг ходимлари иштирок этдилар.

Аҳамиятли томони, ҳунар-техника билим юртларининг икки кунлик ярмаркасида фақат тайёрланган маҳсулотлар тури намойиш этилибгина қолмай, талабалар тайёрлаган концерт, ҳар хил чиқишлар, дор ўйинлари ҳам барчани мафтун этди.

Ҳар бир эзгу ишнинг натижаси бўлганидек, ярмарканинг иккинчи куни ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди: Тошкент ва Андижон вилоятлари энг кўп ва сифатли маҳсулотлар олиб келганликлари, нафис бадиий чиқишлари учун I даражали диплом, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳам яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун II даражали диплом, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари фахрли III даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Республика ўқув-ишлаб чиқариш марказлари орасида ҳам ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар юзасидан алоҳида ғолиблар аниқланди: Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази (директори Ш. Хўжаева) I даражали диплом, Қўқон шаҳридаги республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази (директори Г. Фозилова) II даражали диплом, машинасозлик бўйича республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази (директори В. Карабельников), шунингдек, республикадаги 32-ҳунар-техника билим юрти (директори М. Бекназаров) III даражали дипломни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Булардан ташқари республика ҳунар-техника билим юртлари орасида яратувчанлик, ижодкорлик ва ташаббускорлик кўрсатиб, кўпчиликка намуна бўлган илмгоҳларнинг уста ва муаллимлари, талабалардан 15 нафари вазирликнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда

# ЯРМАРКАДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

Ҳунар-техника билим юртлари ўқув хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳам ярмаркадан муносиб ўрин олди. Тошкент вилояти билим юртлари савдога келтирган маҳсулотлари орасида тирик ва дудланган балиқлардан тортиб, гўшт ҳамда полиз маҳсулотларигача бор. Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўз далаларида етиштирилган полиз маҳсулотлари ва меваларни келтиришди.

Республика ўқув юртлари мазкур ярмаркага йил давомида тайёргарлик кўрдилар. Халқ таълими бошқаруви маҳаллий идоралари ҳамда Вазирлик буйруғи билан тузилган ярмаркани ўтказиш ташкилий қўмитаси катта ташкилотчилик ишларини олиб боришди. Бунда Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ташкилотчилари кўпгина ишларни адо этдилар. Бу мазкур ярмаркада қатнашувчи делегацияларга оталиқ қилиш, уларни жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, расталарга навбатчилик қилиш ва қўриқлаш каби юмушлардир. Тошкент шаҳридаги 15-ўрта ҳунар-техника билим юрти (директори Д. Акбаров) ва Тошкент вилоятидаги 37-политехника билим юрти (директори М. Ҳасанхўжаев) меҳмонларнинг яшаши ва дам олиши учун барча қулай шарт-шароитларни вужудга келтирдилар.

Павильонларни тайёрлаш, молларни жойлаштириш ва жиҳозлаш машинасозлик бўйича Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази (бош директори В. Карабельников) жамоасига топширилган эди. Улар бу топшириқни кўнгилдагидек уддаладилар. Тошкент шаҳридаги 26-ҳунар-техника билим юрти (директори Ф. Мўминов) ва 2-ҳунар-техника билим юрти (директори Н. Оллоберганов) ўқувчилари ярмарка ғолиблари учун тамоман янги совринлар ва дипломларни тайёрлаб бердилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республика ҳунар-техника билим юртларининг Тошкентда ўтган ярмаркасини ташкил этишда ва уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти, хусусан, шаҳар ҳокими А. Фозилбековнинг хизматлари катта бўлди.

Шунингдек, билим юртлари ярмаркаси, талабалар қўл меҳнати билан тайёрланган турли хилдаги маҳсулотлар иштирокчилар диққатини жалб этмай қолмади. Икки кун давом этган ярмаркада шаҳар ва шаҳар ташқарисида истиқомат қилаётган минглаб кишилар иштирок этиб, ўзларига керакли маҳсулотларни харид этдилар.

қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги 11-ҳунар-техника билим юртининг илғор тарбиячи ва устаси Назорат Рашидова, Андижон шаҳридаги енгил саноат лицейидан Омадхон Сатторова, Жиззахдаги 9-ҳунар-техника билим юртининг устахонаси мудири Лапас Умаров, Тахиатош шаҳридаги 4-билим юрти директори М. Наврўзбоев, Навоий вилояти Нурота туманидаги 4-билим юртидан И. Худойқулова, Сурхондарё вилоятидаги 4-ҳунар-техника билим юртининг катта устаси С. Ҳамидов ва Қарши шаҳридаги техник лицейидан А. Эминовлар номини ўз ишининг устаси, ёшларнинг ҳунар ўрганишларида жонфидойилик қилаётган кишилар сифатида алоҳида тилга олиш ўринлидир.

Ҳозирги иқтисодий танқисликка қарамай республика ярмаркасида иштирок этиш учун узоқ муддат тайёргарлик кўриб, ҳунар, таълим, тарбияни ҳамжиҳатликда олиб бораётган фидойи мураббийларнинг бир неча нафари ҳам вазирликнинг алоҳида мукофотлари билан тақдирландилар: Тўрткўл шаҳридаги 28-билим юртининг ишлаб чиқариш устаси Исмат Мўминов, Шовот туманидаги 16-билим юрти бош устаси Зеваржон Аллаева, Андижон шаҳридаги енгил саноат лицейининг талабалари Феруза Турғунова, Фотима Мирзаалиева, Марғилон шаҳридаги 50-билим юрти лаборатория бошлиғи Ҳатамжон Мўминов, Шаҳрисабз туманидаги 3-билим юрти ўқитувчиси Акром Қўйлиев, Гулистон шаҳридаги 3-билим юрти директори К. Саримсоқова, Қибрай туманидаги 36-билим юртидан А. Сотиболдиев шулар жумласидандир.

Умуман айтганда, икки кунлик ярмаркада ҳунар-техника билим юртларида тайёрланган юзлаб хилдаги маҳсулотларни сотишдан тушган маблағ бир миллиард етти юз миллион сўм-купондан кўпроқни ташкил этди.

Ҳунар-техника билим юртларининг V-республика ярмаркаси фақат маҳсулотлар турини намойиш этибгина қолмай, балки ана шу илм даргоҳларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари, ҳунар ўргатишга ёшларни жалб этиш, яхши йўлга қўйилаётганини, давр талабига кўра билим юртларида янги-янги соҳалар ҳам ташкил этилаётганлигини кўрсатди.

**С. АЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўқув ишлаб-чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, ярмарка ташкилий қўмитаси раисининг муовини.**





*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид ҒУЛОМ 75 ёшда*

# УМР МАШЪАЛИ



Улуғлик адабга, шодлик хотиржамликка, яқинлик муҳаббатга ва ақл тажрибага муҳтож дейишади. Замондошларимизга ўнлаб бадиий асарлари завқ ва ҳаяжон, маърифат ва ҳаётга муҳаббат улашиб келаётган таниқли адиб Ҳамид Ғулом 75 ёшга тўлди. Ҳамид Ғуломнинг гўзал оиласи, оқила фарзандлари, ҳамкасб дўстлари, мухлислари сафида бутун бир ҳаёти мазмунини белгилайдиган "Машъал", "Тошкентликлар", "Мангулик" романлари, "Муҳаббат навоси", "Тошболта ошиқ", "Биринчи қалдирғоч" каби саҳна асарлари ҳам унинг умр тўйини тантана қилмоқда. Ҳамид Ғулом китобхонларга нафақат ёзувчи, балки тажрибали таржимон сифатида ҳам яхши таниш. Унинг М.Лермонтов, А.Пушкин, М.Горький, Т.Шевченко, В.Маяковский, Шекспир ҳамда Жамбулдан қилган таржималари ўзбек шеърхонларига яқин бўлиб кетган. Улуғ Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан қилган бир қанча ўгирмалари ҳам эл назарида.

Ҳамид Ғулом ижодий сермаҳсул, мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу йўл ёзувчига халқ қалбига киришдек, ўз ўқувчиларини топиб, уларга завқу шавқ беришдек ёруғ ва равон йўлдир. Нимани ўқитсанг, ўшанга, кимни ўқитсанг, ўшаларга меҳр қўймоғинг керак, деганларидек, севимли ёзувчимизнинг қаҳрамонлари мухлислар меҳрини қозониб, асарлари минглаб китобхонлар мулкига айланганлигининг ўзи ёзувчи меҳнатига муносиб баҳодир.

Таниқли адибимизни кўпмингсонли "Маърифат"чилар номидан муборак тўйи билан чин дилдан қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, ижодий ишларига омад ва барор тилаймиз!

*Ҳамид ҒУЛОМ*

## ЗИЁЛИ

*Баллада*

Мен билмасдим қайси олийгоҳ
Ёки қайси зўр дорилфунун,
Уни этиб ҳаётдан огоҳ,
Сўзларига бахт этмиш мазмун.

Хуллас, тоғда, олис қишлоқда
Тасодифан учрашиб қолдик.
Бўлади-ку шундайлар элда,
Хушфеъл, қадди чинор каби тик.

Уни кўрган паҳлавон дейди,
Гарчанд ёши бир жойга борган.
Жуда сипоҳ, босиқ сўзлайди,
Соч-соқоли бўздек оқарган.

Фақат кўзлар... Қуралай кўзлар
Ҳамон чақноқ — зарра толмаган.
Манглайида ўтмишдан излар —
Ҳеч бир тарих изсиз қолмаган.

Ўтирибмиз баланд шийпонда,
Иккимиз ҳам серфикр, камсўз.
Тепамизда, мовий осмонда
Сўнмас чўғлар қисадилар кўз.

Тоғ осмони ўзи бир жумбоқ,
Ҳар бир юлдуз донишмандай жим.
Осон эмас сирни англамоқ,
Бўлмоқ керак зукко мунажжим.

Ҳамсуҳбатим — кекса муаллим,
Олисларда кезар хаёли.
Бир мактабда беради таълим —
Ярим аср. У чин зиёли.

Бу қишлоқда ва атрофларда
Не воқеа кечса — у огоҳ.
У ҳаётда ва китобларда
Нима бўлса — барига гувоҳ,

Яъни, ўзи иштирок этган,
Ҳам қурувчи, ҳам маслаҳатгўй.
Неча авлод камолга етган —
Нигоҳида унинг чўзган бўй.

Чинор таги, булоқ ёнида
Суҳбат қуриб то тонгга қадар,
Унинг ўйи, дилу жонида
Бор дардини кўрдим мунаввар.

Хуллас калом, шаҳардан йироқ
Шу қишлоқда, шу сокин тунда
Чуқур фикр — сўнмас бир чироқ
Зиёлини кашф этдим унда.

— Ҳаёт, — деди менга муаллим, —
Ҳар кунги иш, ҳар кунги излаш.
Юртни севмоқ — ўзи зўр илм,
Беҳудадир зорланиш, бўзлаш.

Эшитаман: хорижга кетиб,
Доллар бўлиб бутун хаёли,
Оқ сут берган элни унутиб,
Вайсармишлар...
Ватан жамоли —

Бетакрордир,
ишқдир,
онадир!
Кимки қочса юрт меҳнатидан
У элига ёт-бегонадир,
У маҳрумдир ишқ роҳатидан.

Қаранг,
қандай сўлим бу тоғлар,
Ривоятлар сўзлайди Чорвоқ.
Тун қўйнида мудрайди боғлар,
Юлдузларнинг нуридан порлоқ.
Ватан!..
Унинг олтин тупроғи
Тўтиёдир кўзларимизга.

Қаранг,
қандай чақнар чароғи
Шуъла сочиб юзларимизга.

Ватан!..
Қандай муқаддас туйғу!
У инсонни эъзоз этади.
Кимки, дилдан содиқ бўлса, у
Муродига сўзсиз етади.

Истиқлол! —
Бу муқаддас сўзни
Фахрланиб этди талаффуз.
— У кетганлар унутиб ўзни,
Адашдилар...
Афсус, минг афсус...

Ҳа, дарвоқе, улуғ карвондан
Адашганлар бўлган ҳамиша.
Бахт ҳеч қачон тушмас осмондан,
Бахт Ватанда, азиз бу гўша.

Юлдузлари тиниқ чақнаган,
Булоқлари шарқираб турган
Бу азиз юрт, муқаддас Ватан
Нонкўрларни, афсус, кўп кўрган.

...У нечундир чуқур хўрсинди,
Кейин аста жилмайиб менга:
— Бахт, албатта, келади, — деди. —
Бахт келади озод Ватанга.

Бахт келади ҳар бир хонадон,
Ҳар инсонга бегумон, аниқ. —
У сўзларди. Тоғ узра осмон,
Юлдузлари чароғон, ёниқ,

Ўн тўрт кунлик тўлин ой билан
Нурли орзу каби порларди;
Юлдуз тўла бу чирой билан
Истиқболга сокин чорларди...

**26 май 1994 йил.**
**Тошкент.**

## ҚЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани "Йил ўқитувчиси — 94" кўрик-танлови иштирокчилари беш босқичда ўзаро беллашдилар. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра ўқитувчи маҳорати, касбим-фахрим, педагогик вазият, Ўзбекистон тарихи, маданияти, севимли машғулотим каби саволларга зукколик билан жавоб қайтарган 153-мактаб тарих фани ўқитувчиси Игорь Маҳмудов биринчи, 149-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Жанна Бабаян иккинчи, 198-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Зулфия Икромова учинчи ўринга муносиб деб топилди. Улар меҳнатларига яраша тақдирландилар.

Туман халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси кўрик-танловнинг ҳар бир иштирокчисига 25 минг сўмдан пул мукофоти ажратди.

**Қ.ТЎЛАБОЕВ.**

## Сўраган эдингиз

***Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон ХТВ Меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг мутахассиси Нина Михайловна Нестерова жавоб беради.***

**САВОЛ: Халқ таълими муассасаларидаги руҳшунос (психолог) лавозими ҳақида тушунча берсангиз.**

**К.ДАВЛАТОВА.**
**Хоразм вилояти Хонқа тумани.**

ЖАВОБ: Жумҳуриятимиз вилоятлари халқ таълими бошқармаларига махсус "руҳшунослик" факультетини тугатганлиги тўғрисида гувоҳномаси бўлган мутахассисларни халқ таълими муассасаси ходимлари штатига руҳшунос лавозимига қабул қилиш умумий фонди доирасида жорий этилади.

Халқ таълими муассасаларида ишловчи руҳшунослар (психологлар) Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунини, болалар ва ўқувчи ёшларнинг ёш ва махсус психологияси, ёш физиологияси, педагогикани, болалар, ўсмирлар, ёшлар шахси ривожланишидаги асосий қонуниятларни, уларнинг талаб хусусиятлари, қизиқишлари, қониқиш даражаларини, жаҳон психология фани ва амалиёти ютуқларини билишлари керак бўлади.

Руҳшуносларнинг ойлик маоши республика халқ таълими тизими ягона тариф сеткасига асосан тайинланиб, бу соҳа мутахассисларининг малака тоифаларига боғлиқдир. Жумладан, олий тоифа малакали руҳшунос 114.300 сўм-купон олса, институтни энди тугатган олий маълумотлилар 84.600 сўм-купон олишлари мумкин.

**САВОЛ: Мен олий маълумотли табиийт-география ўқитувчисиман. Лекин ҳозирда куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси бўлиб ишлаяпман. Мени ўйлантираётган нарса — тарбиячининг иш ҳақи ва иш соати. Биз кунига 5 соат, ҳафтасига 30 соат машғулот ўтамиз. Шу 30 соат машғулотимиз 1 ставка ҳисобланади. Бошланғич синф ўқитувчилари учун 14 соат 1 ставка ҳисобланганда, тарбиячи нима учун ҳафтасига 30 соат ишлаб, яна ўқитувчидан 1,5—2 баравар кам иш ҳақи олиши керак? Машғулотларга бўлган талаб дарсникидан кам эмас-ку? Тарбиячини ҳар бир дақиқаси ҳисобли бўлади, ҳатто танаффусда ҳам ўқувчилар билан бирга бўлишимиз керак.**

**С.АЗИЗОВА.**
**Фарғона вилояти Охунбобоев тумани.**

ЖАВОБ: Ҳозирда амал қилаётган қонунга мувофиқ куни узайтирилган гуруҳларда ишлайдиган тарбиячиларнинг иш ҳақи ойлик ставкаси ҳафтасига 30 соат, кунига 5 соатлик педагогик машғулот ўтказганлик учун белгиланган. Бундай тоифадаги ходимлар ставкаси халқ таълими тизими ягона тариф сеткасига мувофиқ тарзда бўлиб, 1994 йил 1 мартдан олий маълумотли тарбиячининг маоши 84.600 сўм-купонни ташкил этади.

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БИРЛИГИ

Давр билан ҳамқадам, юксак билимли ва юксак онгли ёшларни тарбиялаш замон талабидир. Бундай улкан масъулиятли вазифани бажариш нафақат ота-она, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, мактаб, олий ўқув юртлари ходимларининг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади.

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида бўлиб ўтган анжуман таълим-тарбиянинг худди шу жиҳатларига бағишланди. Йиғилишда институтнинг профессор-ўқитувчилар жамоаси, талабалар, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни институт ректори, Ўзбекистон халқ ноиби, география фанлари доктори, профессор С.Нишонов очиб, институтнинг босиб ўтган шонли йўли, анъаналари, эришган муваффақиятлари, олдинда турган вазифалар ҳақида гапирди.

1993—1994 ўқув йилида институтга қабул қилинган талабаларнинг биринчи ярим йилликдаги ўқуви якуни профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилинди; ҳар бир ота-онага фарзанди ҳақида, унинг ўзлаштириши, дарсларга қатнашиши, ижобий ва салбий хусусиятлари ҳақида маълумот берилди. Демак, талабаларни икки томонлама назорат қилиш имкони туғилди. Агар талабада салбий ўзгариш юз берса, институтда ўқитувчи, уйда ота-она бундан бехабар қолмайди. Учинчи назорат институт қошида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик кенгаши томонидан бўлади. Бу тарбиянинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Чилғашев, ота-оналардан А.Эргашев, П.Ҳамдамов, математика факультетининг декани П.Давронов, ёшлар уюшмасининг раиси А.Давронов институт раҳбарияти ва жамоасининг бу ташаббуси эзгулик йўлидаги ҳамкорлик эканлигини таъкидлашди.

**С.УСМОНОВ,**
**Н.МАЖИДОВ.**

# АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Улуғ аждодларимиз яратган қомусий асарларни улкан бир денгизга қиёс қилсак, ундан исталган дурни — билимни топиш мумкин, деб бемалол айта оламиз. Агар улар қолдирган илмий меросни само юлдузларига қиёс қилсак, айни кунда ҳам бу йўлчи юлдузлар йўлимизни, тафаккуримизни ёритиб турганлигидан, ҳаётимизни нурафшон этаётганлигидан кўзимиз зиёга, кўнглимиз ғururга тўлади.

Астрономия фанининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган аллома, буюк математик ва мунажжим Муҳаммад Тарағай Курагоний — Мирзо Улуғбек ана шундай улуғ аждодларимиздандир. Бу улуғ зот қолдирган илмий асарлари, маданият ва ободончилик борасидаги ишлари билан ўзига мангулик ҳайкал ўрнатиб кетган буюк сиймолардандир. То ҳозиргача олим яратган биргина "Зижжи Курагоний" рисоласининг ўзиёқ бутун дунё олимларини ҳайратга солиб келмоқда ва чуқур қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Адолатпарвар ва маърифатпарвар шоҳ, буюк мунажжим ва математик олим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига дунё миқёсида қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда республикамизда ҳам буюк бобомиз илмий ва маданий меросига эътибор янада ошган.

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган "Педагогика олий ўқув юртларида физика ва астрономия ўқитишнинг айрим муаммолари" мавзуидаги илмий-услубий анжуман ҳам буюк олим илмий меросига чуқур ҳурмат руҳида ўтди.

Илмий-услубий анжуманда сўзга чиққан физика фанлари номзоди, доцент М. Мамадазимов, филология фанлари доктори, профессор Б. Мамедов, техника фанлари доктори, профессор М. Зиёхўжаев, физика-математика фанлари номзоди, доцент А. Бойдедаев ва бошқалар Мирзо Улуғбекнинг астрономия мактаби ва унинг илмий мероси, маданий-маърифий ишлари, астрономия ва физика фанларини ўқитишда Шарқ алломаларининг илмий асарларидан фойдаланиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Нотиқлар ва муҳокамада сўзга чиққанлар замон талаблари асосида физика ўқитишни такомиллаштириш, ўқув жараёнида электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишнинг дидактик асослари, физика фанига ўқувчиларни қизиқтириш омиллари, талабаларнинг астрономия фанидан мустақил ишларни бажариш йўллари ва бошқа долзарб масалалар хусусида фикрлашдилар.

Илмий-услубий анжуманнинг ялпи мажлиси ҳам, шўъбаларга бўлиниб давом этган мажлиси ҳам буюк аллома Мирзо Улуғбек номи ва илмий асарлари номи билан узвий боғлиқлик руҳида ўтди.

**З. УСМОНОВА.**

*Қутлуғ остона*

# МИРЗААКБАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Кенг ва ёруғ кўргазмалар зали. Бу ерга қўйилган "Қишлоқ манзараси", "Оддий ўзбекнинг дастурхони", "Чўпон бобо ҳикояси", "Куз шамоли", "Тоҳир ва Зуҳра"га ишланган натюрморт, "Орол нидоси" каби расмлар дарҳол киши эътиборини ўзига тортади.

"Қишлоқ манзараси" деб номланган расмда табиатнинг гуллаб-яшнаши, ҳавонинг мусаффолиги, жилғалар беғуборлиги тасвирланган бўлса, "Орол нидоси"да бағридан қип-қизил қон оқаётган Оролнинг нажот истаб гўё: "Ёрдам бер!" дея фалакка нола қилаётганлиги ифодаланган. Расмларнинг автопортрет, натюрморт, манзара, миниатюра, иллюстрация каби жанрларда чизилганлиги мўйқалам соҳиби ижодининг серқирралигидан шоҳидлик беради.

Кўргазмадаги асарларни томоша қилиш жараёнида уларни профессионал рассом чизган бўлса керак, деб ўйлашингиз мумкин. Аслида эса улар Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 25-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Мирзаакбар Акбаров мўйқаламига мансубдир.

Онаси Турсуной опа химия-биология муаллимаси эмасми, дарсга тайёргарлик кўраётганда олти яшар Мирзаакбар қушлар, ҳайвонлардан иборат кўргазмали қуролларнинг ясалиш жараёнини диққат билан кузатар эди. Кунларнинг бирида Мирзаакбар китобларни варақлаб ўтираркан, жониворлардан бири уни ўзига ром этди. Ана шу расмни китобда тасвирланганидек чизишга имкон қадар ҳаракат қилди. Ўша интилишнинг бугунга келиб берган мевасидан кўпчилигимиз баҳраманд бўлиб турибмиз.



Мирзаакбар радио эшиттиришлари ва ойнаи жаҳон кўрсатувларини мунтазам кўриб боради. Айниқса, "Оламга саёҳат" кўрсатувларидан нигоҳини узмайди. "Сирли олам" журнали ва бадиий китобларни кўп мутолаа қилади. Кўрган, эшитган, ўқиганларидан таъсирланиб, олган таассуротлари ва ҳис-туйғуларини мўйқалам орқали матога жо қилади.

Мирзаакбарнинг хотираси нақадар кучлилигини "Тонг манзараси", "Қизлар базми" расмларида яққол кўриш мумкин. У миллий урф-одатлар, сайиллар ва байрамларни тасвирлашни ёқтиради. "Амир Темур", "Мир Алишер Навоий" расмларини тасвирлашда композицияга, ранг танлашга алоҳида аҳамият берган.

— Ўғлим романтик асарларни, газета ва журналларни кўп ўқийди, — дейди физика ва меҳнат ўқитувчиси Муҳаммадали Акбаров. — Мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликлар, Ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатидан доимо хабардор. Ўзи ўқиган асар қаҳрамонининг ички дунёсини, ҳис-туйғуларини тўлалигича тасвирлашга интилади. Кўпроқ мустақил ишлашни ёқтиради. Расмни меъёрига етказдим дейди-да, яна ишлов бераверади.

Мирзаакбар рассомликнинг ўзига хос нозик сирларини устози Йигитали Деҳқоновдан ўрганиб келаётир. Йигитали Қўқон санъат билим юртини тамомлаб, ҳозир Наманган университети расмчизмачилик бўлимининг 5-курсида таҳсил олмоқда. У композиция, бўёқ билан ишлаш, ранг танлашда Мирзаакбарга кўмак бераётир.

Мусаввирнинг расмлари дастлаб маҳаллий матбуотларда эълон қилинган бўлса, 1991 йилдан буён "Туркистон" ("Ёш ленинчи") газетаси ҳамда "Гулхан" журнали саҳифаларида берилмоқда. Жумладан, "Шарқона анжомлар", "Яйловда", "Балиқ овида", "Сиёвуш ҳақида қисса", "Лайли ва Мажнун"да Мажнун тасвири журналхонларда катта қизиқиш уйғотди. Чизган расмларининг савияси, тиниқ ва равшанлиги ҳамда фаол иштироки учун Мирзаакбар "Гулхан" журналининг биринчи даражали дипломи билан мукофотланди.





— "Куз шамоли" расмини уч кун тинмай шамол бўлган кунлари чиздим. Қўқон шамоли: тўс-тўполон, чанг-тўзон, дарахтлар синган, баъзан зерикиб кетаман... Касаллик ҳам шамолга ўхшайди. Тез-тез ҳуруж қилиб туради. Шунинг учун бўлса керак, шамолни унча ҳам ёқтирмайман... Орзуим — ўзбек халқ эртаклари китобларини безасам, дўстларим кўп бўлса, [illegible]м ва дадам ёнимда бўлишса...

Булар — Мирзаакбарнинг дил сўзлари.

Мирзаакбар биринчи синфда ўқиб юрганда касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган. Тенгдошлари сингари кўча-кўйда югуриш, ариқларда оқизоқлар оқизиш, дўстлари билан от суриш унинг учун фақат орзу. Лекин унинг соф ниятлари, беғубор орзу-истаклари турфа рангларда жилваланиб "сўзламоқда". Синфдош дўстлари мактабда олган билимларини Мирзаакбарга етказиб туришади. Меҳри дарё, жонкуяр мураббийлари ундан доимо бохабардирлар.

Яқинда Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат мактабида ёш мўйқалам соҳибининг асарлари кўргазмаси очилди. Биз умидли ёш мусаввир Мирзаакбар Акбаровнинг ижоди бундан кейин ҳам камол топиб бораверишига тилакдошмиз.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

**Суратларда: Кўргазма залида. Автопортрет. Раққоса.**

## Қутлаймиз!



**Қимматли Ўғилой САОДАТОВА!**

Йигирма бир йилдирки, Яккабоғ туманидаги Абдулла Авлоний номидаги мактабда ёшларга она тили ва адабиётдан сабоқ бермоқдасиз.

Таваллуд топган кунингизга 40 йил тўлиши муносабати билан Сизни чин дилдан муборакбод этамиз, оиламиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг.

**Умр йўлдошингиз Абдуҳалил Нуримов, фарзандларингиз Садоқат, Адолат, Фарҳодбек, Мақсудбек, Жамшидбек.**



**Ҳурматли Аҳмаджон УМАРОВ!**

Сизни ярим асрлик умр тўйингиз, директорлик фаолиятингизнинг 25 йиллиги билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Тилагимиз, соғ-саломат бўлинг, қувонч ва шодлик ҳамроҳингиз бўлсин!

**Нуробод тумани халқ туълими бўлими жамоаси.**



**Муҳтарама Лайлуза БОГДАНОВА!**

Сизни кўпчилик дилкаш-дилбар аёл, меҳрибон-ғамхўр она ҳамда буви, шу билан бирга заҳматкаш ва талабчан раҳбар сифатида яхши танийди.

Муборак 60 ёшингиз билан қутлаймиз. Фарзандларингиз, минглаб шогирдларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг.

**Тошкент шаҳридаги 262-мактаб жамоаси.**



**Ҳурматли Эркинжон РАЙИМЖОНОВ!**

Сиз меҳнат фаолиятингизни тумандаги 3-ўрта мактабда оддий рус тили ўқитувчилигидан бошлаб энг масъулиятли вазифа-туман халқ таълими бўлимининг мудирлиги лавозимигача кўтарилдингиз.

Биз Сизни қутлуғ 45 ёшингиз билан муборакбод этиб, оилавий бахт ва тотувлик, келгуси ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

**Риштон тумани халқ таълими бўлими, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси.**

**Қадрли касбдошимиз Теша АБДУЛЛАЕВ!**

Узоқ йиллардан буён соғлом авлодни тарбиялашда фидойилик қилиб келасиз. Сиздан сабоқ олган ёшларнинг кўпчилиги мустақил юртимиз спорт шарафини ҳимоя этиб, мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаб, ишларингизда ютуқлар тилаймиз.

**Бир гуруҳ шогирдларингиз ҳамда Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими жамоаси.**



**Муҳтарам Бахтиёр ҚУРБОНБОЕВ!**

Таваллудингизга 50 йил, илмий-педагогик фаолиятингизга 30 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз! Сизга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахту-иқбол тилаймиз.

**РЎММ она тили ва адабиёт бўлими жамоаси.**



**Қадрли дадажонимиз Севиндик ОЛТИЕВ!**

Шу кунларда Сизни ёру-биродарларингиз, шогирдларингиз таваллудингизнинг 60 йиллиги ҳамда педагогик фаолиятингизнинг 35 йиллиги билан қутлашиб, бир олам севинч улашишмоқда.

Биз ҳам Сизга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга бор бўлинг.

**Фарзандларингиз номидан талаба ўғлингиз Зиёдулла Олтиев.**



**Ҳурматли устозимиз Сирож ПАРДАЕВ!**

Сизнинг адабиётдан берган сабоқларингиздан олган билимларимиз ҳамда орттирган чин инсоний фазилатларимиз ҳозирда институтда илм сирларини эгаллашимизда қўл келмоқда.

55 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Соғлиқ-саломатлик, хуш кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

**Шогирдларингиз Ш.Жамолов, Н.Пардаев, Ф.Қунёров.**

*Олтин ёз*

## ҲОРДИҚ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Тошкент шаҳридаги 117 та мактаблар қошида мавсумий ёзги оромгоҳлар ташкил этилди. Биринчи июнда 10 минг 830 нафар ўқувчи бу дам олиш масканларига қабул қилинади. Кейинги ойларда ҳам болалар сони ошса, ошадики, камаймайди.

Оромгоҳларга йўлланмаларнинг 90 фоизи ижтимоий суғурта ҳисобидан бўлиб, уларнинг 50 фоизи бепул. Бу эса кам даромадли оилаларга кўрсатилаётган ёрдамдир.

Мактаблар қошидаги оромгоҳларда болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Оромгоҳлар қошида 600 дан зиёд тўгараклар фаолият кўрсатади. Ўқувчилар қизиқишларига кўра тўгаракларга жалб қилинадилар.

Мактабдан ташқари муассасаларда 60 мингдан зиёд ўқувчи тўгаракларга тортилади. 20 мингдан кўпроғи сайру саёҳатга чиқади, 15 минг нафари спорт машғулотлари билан шуғулланади. 2 мингга яқин иқтидорли болалар учун мақсадли машғулотлар ташкил қилинади. 25 дан зиёд илмий экспедиция тарихий масканларга боради.

Маданият ва истироҳат боғларида "Шарқ юлдузи — 94" анъанавий кўрик-танловлари, уйингоҳларда кичик спорт олимпиадалари ўтказилади. Хуллас, болаларнинг ёзги таътили мароқли ўтади.

**Н.РЎЗИҚУЛОВ.**
**Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассиси.**

*Ўсмир ва қонун*

## ФИРИБГАР

15 май соат 13.00 да 1-болалар сил касаллиги санаторийси тарбиячиси пойтахтнинг Олой бозорида ноқонуний равишда дори-дармонлар сотаётган Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юрти талабасига ўзини милиция ходими деб таништириб, бир қанча дориларни бепул олиб кетди.

Ҳақиқий милиция ходимлари эса фирибгар "милиция ходими"ни вақтида қўлга олишди.

## ЗЎРАВОН ҚИЗ

16 май соат 16 ларда номаълум шахс Амир Темур хиёбони яқинида жойлашган Зобитлар уйининг тикувчилик курсида ўқувчи қизни ҳожатхонада қўрқитиб, тилла сирғасини олиб қочади.

Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган олмалиқлик 20 ёшли қиз ушланди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

## БЎЛАЖАК МУАЛЛИМ ЭКАН

17 май тушликдан кейин бир фирибгар Олой бозорида Тожикистон Республикасидан келган деҳқонга 2 миллион сўм-купон ваъда қилиб, 200 килограмм қуритилган ўригини "Москвич" машинасига юклаб, қочиб кетади. Жиноят юзасидан суриштирув ишлари олиб борилгач, фирибгар қўлга олинди. У Низомий номидаги педагогика институтининг талабаси экан.

## ЭСКИ ЖЎВА "ГАВРОШЛАРИ"

Яқинда тўрт киши Эски Жўва бозорида пахта ёғи сотаётган фуқаронинг ёнига келиб, иккитаси ўзини бозор вакили, қолган иккитаси эса милициядан деб таништириб, унинг 500 минг сўм-купонини олиб кетишади.

Участка нозирлари ва муниципиал рота ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли таъмагирлар ушланди. Улар бозорнинг ёш "гаврошлари" эканлигини кўпчилик инкор этгани йўқ.

## НИҚОБЛИ БОСҚИНЧИЛАР

Эшон Бобохон кўчасидаги хонадонлардан бирига ниқобли тўрт шахс пичоқ ўқталиб кириб, уйдан "Элипс" телевизори, "Фишер" видеомагнитофони, "Голдстар" аудиомагнитафони ва тилла буюмларини олиб чиқиб кетишади.

Ҳамза тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакиллари босқинчиларни Фарғона йўли кўчасида тутдилар. Уларнинг тўрттови ҳам Бекобод туманида яшовчи шахслар бўлиб, бири Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг талабаси экан.

## БАХТСИЗ ҲОДИСА

18 май тунги бир яримлар чамаси "Ором" қаҳвахонаси ёнида "ВАЗ-21063" машинаси автоулови бетон тўсиққа урилди. Натижада машинани бошқаролмай қолган ҳайдовчининг бош мияси оғир жароҳат олди. У қишлоқ хўжалик институтининг 3-курс талабаси, отасининг эркаси бўлиб чиқди.

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАЛИ...

Очиғи, бундай воқеадан бугунги кунда таажжубланмайдиган бўлиб қолдик. "Гулнор" фирмаси растасидан уч нафар тўққизинчи синф ўқувчиси зўрлик билан 25 блок сигарет ва бир неча шиша ароқни олиб кетишди.

Ёш босқинчилар далилий ашёлар билан қўлга олинди.

**Мирзараҳим МАМАЖОНОВ.**
**Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмат ходими.**

## МУАЛЛИМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида бир гуруҳ адиблар ва малака ошириш курсига келган тингловчилар ўзаро мулоқотда бўлишди. "Муаллим, муаллиф ва миллий мафкура" мавзуида ўтказилган бу учрашувда Ҳ. Олимжон мукофоти совриндори, шоир Маъруф Жалил, ношир ва таржимон Амир Файзулла, А. Авлоний мукофоти совриндори, ёзувчи Акрам Аминзодалар қатнашди. Анжуманни институт ректори, руҳшунослик фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров очди.

Йиғинда муаллимлар ўзларини қизиқтираётган барча саволларга жавоб топдилар, десак муболаға бўлмайди. Куй ва қўшиқлар, шеъру достонлар, ўгит ва ҳикматлар янграган давра ғоят мароқли бўлди.

Анжуман сўнгида Марказий институт қошида ташкил этилган буюк ўзбек маърифатчиси Абдулла Авлоний музейига адиблар ўз қаламларига мансуб китобларни дастхати билан тортиқ этишди.

**Маълума ХЎЖАЕВА.**

## Узум пишди

Самарқанд туманининг Чордара қишлоғида яшовчи Тоир Бекмуродовнинг хонадони доим танишу бегоналар билан гавжум бўлади. Бунинг сабаби бор, албатта. Хонадон соҳиби қирқ йилдан бери муаллимлик қилиб, ёш авлодга физика-математика фанидан илм ўргатмоқда. У ҳозир ҳам "Дўстлик" жамоа хўжалигидаги 2-ўрта мактабда устоз сифатида ҳамкасблари ҳурматини қозониб келяпти.

Т. Бекмуродов уддабурон ва миришкорлиги билан ҳам элга танилган. У ҳамқишлоқлари орасида биринчилардан бўлиб пленка остида помидор кўчати парваришлаб, қишин-ёзин ҳосил олишни йўлга қўйганига ҳам йигирма беш йилдан ошди. Кейинчалик лимончиликка қизиқиб қолди. Иссиқхонадаги йигирма бир туп кўчат ҳозир шиғил ҳосил туккан. Аммо асосийси бу эмас.

Устознинг иссиқхонасига кирган киши маржондек терилиб турган қопқора узум бошларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушламай иложи йўқ. Наҳотки май ойида ҳам узум пишса?!

— "Қора чарос" нави одатда июлнинг охирларида етилади, — дейди миришкор. — Бу ерда эса 15 апрелдаёқ пишган эди. Шундан бери қариндош-уруғ меҳмон излом келганда дастурхонга қўйяпмиз.

Биз янгиликнинг яратилиши билан қизиқдик.

— Биласизми, ҳар соҳада ҳам қизиқиш, интилиш бўлса мақсадга эришиларкан. Кейинги пайтда иссиқхонада ток ўстирса бўлмасмикан, деган фикр тинчлик бермай қолди. Тўрт йил муқаддам бир неча туп кўчат экиб, парваришлай бошладим. Ўтган йили 4-5 бош дастлабки ҳосилни олганимдаги севинчимни айтмайсизми. Аммо бу ишни азбаройи бойиш мақсадида қилганим йўқ. Тўғри, ҳозир бозорга олиб чиқсам палон сўмдан сотишим мумкин. Уйга ҳам илтимос қилиб келишяпти. Аммо гап пулда эмас. Меҳнатинг самарасини кўриб кўз қувонади, дил яйрайди. Ягона орзуим тажрибани оммалаштириш.

**Б. МАНСУРОВ.**

## Маҳоратлилар беллашуви

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ўқув-методика маркази ташаббуси билан Наманган шаҳрида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий-ижодий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

"Жисмоний тарбия ўқитувчиси — 94" республика анжуманида барча вилоят ва шаҳарлардан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими жамоаларидан вакиллар иштирок этиб, ўз маҳоратларини синадилар.

Анжуманнинг аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этгандан сўнг республикамиздаги барча педагоглар шу жумладан, жисмоний тарбия мутахассислари ҳам ёшларимиз ҳар томо[illegible]лама жисмонан бақувват, ақлий мукаммал бўлиб етишишларига астойдил киришганликлари яққол кўзга ташланди.

Икки кун давом этган қизиқарли ва мазмунли беллашувлар қатнашчиларнинг ўз ишини нақадар пухта билиши, касбий маҳоратлари қай даражада эканлигини ҳам кўрсатди.

Шуниси эътиборга сазоворки, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Хоразм каби вилоятларнинг вакиллари бундай беллашувларда илк бор қатнашаётган бўлсалар-да, тўплаган тажрибалари, санъатларини намойиш этиб, танлов иштирокчиларини лол қолдирдилар.

Қизиқарли баҳслар, мунозаралар ва тортишувлардан сўнг танлов ғолиблари ҳам аниқланди. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 4-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Мавлуда Тошева "Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг ҳаракат фаолиятларини ошириш", Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги техник лицейнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Игор Ключников "Билим юртларида қурилмалар устида гимнастик машқ элементлари методикаси", Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 16-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Зуҳра Раҳимова "Катта танаффусда ўқувчилар билан миллий ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш методикаси", Наманган вилояти Совет туманидаги 58-ўрта мактаб ўқитувчиси Ҳасан Саитбоев "Жисмоний тарбия дарсларида янги миллий ўйинларни ўтишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш" каби мавзулар билан танлов ғолиби деб топилдилар.

**А. МИРЗАЕВ.**
**Республика ўқув-методика марказининг жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тарбиялаш бўлими бошлиғи.**

**Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг**
**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти қошидаги мактаб-лицейнинг**

*ўнинчи ва ўн биринчи интернат типидаги лицей синфларига тўққизинчи ва ўнинчи синфларни "яхши" ва "аъло" баҳоларга тугатган ўқувчилар*

**ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

*Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўзбек ва рус тилларида олиб борадилар.*

*Ҳужжатлар 15 июндан 30 июнгача қабул қилинади.*

*Лицейга қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона ва уч маҳал иссиқ овқат (50 фоизи ота-оналар ҳисобидан) таъминланадилар.*

*Номзодлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:*

*Ректор номига ариза.*

*9-синфни битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома.*

*10 ва 11-синфлар учун давомат табели.*

*Тиббиёт варақаси (086 у шаклида).*

*3х4 ҳажмидаги фотосурат (12 дона).*

*Манзилгоҳимиз:* **Тошкент. 700000. ГСП. Қори-Ниёзий кўчаси, 39. 12-ўқув биноси, 4-қават. ЛИЦЕЙ.**

Тошкент шаҳар Шайҳонтохур туманидаги 115-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Раъно Абдуллаевага қизи

**Барно АЪЗАМОВА**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.— 1006. 82684 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6